



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7507094>

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ХУДУДИДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ТАЪСИРИ

Дусанова Шарофат Болтабоевна

г.ф.н., доцент

Урганч давлат университети

e-mail: sharafat1603@mail.ru

Холмурадов Ражаббой Ўктам ўғли

магистрант

Урганч давлат университети

e-mail: xolmuratovrajabboy05@gmail.com

Аннотация: Орол денгизи худудида иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг юзага келишини қишлоқ хўжалигига таъсири ҳамда аҳолининг ўсиб бориши мамлакатнинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаши борасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Тупроқнинг намлиги, ҳарорат, метеостанция, қурғоқчилик, сизот сувлар, емирилиш, шўрланиш, туз тўпланиш, сувсевар ўсимликлар.

THE IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON AGRICULTURE
IN THE ARAL SEA
Dusanova Sharofat
Kholmuradov Rajabboy

Abstract: Information is provided on the impact of climate change and water shortages on agriculture in the Aral Sea region, as well as possible problems with the country's self-sufficiency in population growth.

Key words: Soil moisture, temperature, meteorological station, drought, groundwater, erosion, salinity, salt accumulation, aquatic plants.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда барча омиллар қатори иқлим ўзгаришлари ҳам салбий таъсир кўрсатади. Агар ҳозирги сув бўйича самарасиз қишлоқ хўжалиги амалиёти давом эттирилса ёки эътиборсиз даражада ўзгартирилса, иқлим ўзгариши муқаррар равишда сезиларли сув танқислигига ва натижада озиқ-овқат

ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишмовчилигига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017- 2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” режа ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш лозимлиги кўрсатиб берилган [1].

Орол денгизи ҳавзаси ҳудудидаги иқлим ўзгариши ёзнинг баланд ҳарорати, кучли шамолларнинг бўлиб туришини кучайтирди, кучли бу шамоллар одам саломатлиги учун ёмон таъсир этувчи заҳарли кимёвий моддалар билан заҳарланган чанг тўфонларни тарқатмоқда ҳамда тупроқ юзидан сувнинг буғланишини тезлаштириб қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланишига ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этмоқда.

Экологлар томонидан Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришлари ўрганиш натижасида унинг қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқараётганлиги аниқланган. Яъни ёзги ҳароратнинг максимал кўтарилиши ўртача 43°C дан 53°C гача ошган, қишки мавсумларда ҳарорат ўртача -27°C дан -32 °C гача бўлиши кузатишган.

Ҳарорат кўтарилиши сувнинг буғланиш коэффициентини ошиши мазкур ҳудудларла сув ресурсларини камайиб боришига таъсир этмоқда. 50-60 йиллардаги ёғингарчилик жуда кўп бўлган даврларга нисбатан юқорида кўрсатилган экологик танглик оқибатида умуман ёғингарчилик бўлмаган кунлар сони кўпаймоқда, Мўйноқ метеостанциясидан олинган маълумотларга қараганда йилига 130 мм.дан 73 мм.гача камайган.

Бундан ташқари тупроқнинг намлигини камайиши ҳисобига такрорий қурғоқчилик хавфи ортмоқда, илмий кузатишлар шуни кўрсатганки, ҳар ўн йил ичида даврий равишда қурғоқчилик ҳар уч йилда такрорланиши кузатишган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида олинган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжалигида ишлатилади, 1,5 фоизи эса буғланиб кетади. Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида ҳароратни 1-2°C га ортиши атрофдаги тоғлардаги муз билан қопланган майдонларнинг қарийиб 20 фоизи қисқаришига олиб келган натижада қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлиги камайиб борган.

Бундай иқлим шароитида сувнинг етишмаслиги ва аҳолининг ўсиб бориши мамлакатнинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашининг ҳозирги даражасини

Ўз ресурслари асосида сақлаб қолиши қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ҳосилининг 90 фоизидан ортиғи суғорма ерлардан олинар экан, вазиятга мувофиқ мослаш чоралар кўрилмаса, яқин келажакда озиқ-овқат муаммоси келиб чиқиши мумкин [2].

Бугунги кунга келиб, Орол денгиз ҳавзаси ҳудудида баҳорда эрта экилган экинлар дастлабки совуқларнинг паст ҳарорати таъсирига тушиши эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Орол денгиз ҳавзаси ҳудудидаги иқлим ўзгариши минтақадаги қишлоқ хўжалиги ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оқибатлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш ва эътироф этиш мумкин:

1. Орол денгиз ҳавзаси ҳудудида ҳаво ҳароратининг 2-3°C га ошиши экиш муддатлари ва суғориш режимининг бузилишига олиб келади, натижада экинлар ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайиб кетади.

2. Ўсимликларнинг (вегетация) ўсиш даврида суғориш жараёнлари нормага нисбатан хатто ўртача 10% га ошиши кузатилади.

3. Қиш-куз ойларида буғланишнинг ортиши туфайли шўр ювиш ва намликни тутиб туриш агротехнологик тадбирлар норма нисбатан 5-10 % га суғориш ортади.

4. Ҳудудлардаги сизот сувлар сатҳи баланд бўлган ҳолларда сув орқали туз кўчишининг ортиши ва бу эса тупроқда туз тўпланиши жараёнларини фаоллашишига олиб келади.

5. Емирилиш, шўрланиш, қум ва туз кўчиши ҳисобига ишлов бериладиган ерлар майдони қисқаради.

6. Сувсевар ўсимликлар майдонининг қисқариши, озуқа базасидаги йўқотишларга олиб келади.

Ҳозирги кунда ҳурматли Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари билан Орол бўйи ҳудудида олиб борилаётган ишлари натижасида денгизнинг қуриган тубида қарийб 1 миллион 700 минг гектарлик ўрмонзорлар барпо этилган бўлиб, улар ҳозирдан шамол тезлигини пасайтириш ва қумли-тузли бўронларни камайтиришга хизмат қиляпти. Негаки, бир туп ўрта ёшли саксовул дарахти ўз илдизи билан 10 тоннагача қумни ушлаб қолиши мумкинлиги мутахассислар томонидан илмий ўрганилган. Шунингдек, 2 ёшли саксовулзорда шамол 20 фоизгача, 6 ёшли саксовулзорда 80 фоизгача пасаяр экан. 7 ёшли саксовулзорда шамол умуман тўхтаб, атмосферанинг чанг-қум ва туз билан ифлосланиши 6 баробарга камаяди. Бир гектарда 4 ёшли саксовул-черкез ўрмонзори бир йилда 1158 кг. ис газини ютиб, 835 кг. кислород ажратади. Бу эса вақти келиб экологик вазиятнинг бирмунча яхшиланишга олиб келади деб умид қилиш мумкин [3].

Орол денгизи атрофида табиий ҳавзалар тизимини сақлаш, биохилма-хилликни сақлаш, биологик ресурсларни қайта тиклаш, ҳайвонот ва ўсимлик

дунёсини сақлаш, сунъий кўллар ҳосил қилиш орқали балиқчиликни йўлга қўйиш, энг кўп сув талаб қиладиган пахта майдонларини кескин қисқартириш, сувдан фойдаланиш миқдорини икки баробарга камайтириш, ўрмонзорлар яратиш бўйича ишлар олиб бориш орқали қишлоқ хўжалиги махсулдорлигини маълум миқдорда сақлаб қолиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони.
2. Набиев Ў, Қаххорова М , Қориева Д., Қишлоқ хўжалиги, экологик муаммолар.- Тошкент: 2002. – 82б
3. Холмўминов Ж Т., Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири ва унинг оқибатларини юмшатиш, иқлим ўзгариши масалаларини ҳал қилишга замонавий ёндашиш.
-Тошкент: 2018.- 105б.